

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1900,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5248 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Бухоро вилоятининг доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Бухоро вилояти	1900,0	702,6	1197,4	100,3	99,5	100,3
Бухоро ш.	278,5	253,4	25,1	100,2	100,5	102,0
Когон ш.	60,7	60,7	-	100,1	100,1	-
<i>туманлар</i>						
Олот	97,7	36,8	60,9	100,4	100,0	100,5
Бухоро	163,6	37,5	126,1	100,3	100,5	100,3
Вобкент	137,4	26,8	110,6	100,3	100,4	100,4
Ғиждувон	299,7	86,2	213,5	100,2	94,8	100,2
Когон	76,6	5,5	71,1	100,4	101,9	100,4
Қорақўл	161,7	61,6	100,1	100,3	100,5	100,2
Қоровулбозор	18,1	10,4	7,7	100,5	101,0	100,0
Пешкў	120,6	15,4	105,2	100,3	100,7	100,3
Ромитан	139,0	34,8	104,2	100,3	100,3	100,3
Жондор	171,7	33,1	138,6	100,3	100,3	100,4
Шофиркон	174,7	40,4	134,3	100,3	100,2	100,3

Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари кесимида 2019 йил 1 апрель ҳолатига энг кўп аҳоли сони Ғиждувон туманида 299,7 минг кишини (вилоят аҳоли сонидаги улуши 0,2 фоиз), Бухоро шаҳрида 278,5 минг кишини (0,2 фоиз), Шофиркон туманида 174,7 минг кишини (0,3 фоиз) ва Жондор туманида 171,7 минг кишини (0,3 фоиз) ташкил этди.

Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2019 йил 1 апрель ҳолатига Бухоро вилояти жами аҳолисига нисбатан, % да)



2019 йил январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2018 й.	2019 й. ¹⁾
Туғилганлар	7353	7851	498	15,9	16,8
Ўлганлар	1928	1790	-138	4,2	3,8
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	55	63	8	х	х
Табиий ўсиш	5425	6061	636	11,7	13,0
Никоҳлар, минг	3387	3632	245	7,3	7,8
Ажралишлар, минг	438	499	61	0,9	1,1

Туғилиш. 2019 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 7851 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (7353 киши) нисбатан 498 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,8 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (15,9 промилле) нисбатан 0,9 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ромитан (16,6 дан 15,4 промиллега), Когон (19,6 дан 18,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2019 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 1790 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (1928 киши) нисбатан -138 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 3,8 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-мартда – 4,2 промилле).

Ўлим сонининг кўпайиши Қорақўл (3,6 промилледан 4,1 промиллега), Шофиркон туманларида (3,9 промилледан 4,3 промиллега) кузатилди. Қолган барча туманларда камайиш тенденцияси кузатилди.


Ўлим коэффициентининг паст даражаси Қоровулбозор (1,8 промилле), Пешкў (3,1 промилле) туманларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 61,3 фоиз қон айланиш тизими касалликларидан, 10,5 фоиз ўсимталардан, 4,8 фоиз бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,0 фоиз овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 6,3 фоиз нафас олиш аъзолари касалликларидан, 0,8 фоиз юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 11,3 фоиз бошқа касалликлардан вафот этган.

¹⁾ дастлабки маълумот

2019 йилнинг январь-мартда ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 63 нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффиценти 6,3 промиллени (2018 йил январь-мартида – 6,1 промилле бўлган) ташкил этди.


Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 49,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 3,2 фоизи нафас олиш аъзолари касалликларидан, 20,6 фоизи туғма аномалиялардан, 7,9 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан, 3,2 фоизи ва бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 15,9 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1200 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2013 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 813 кишига (2018 йилнинг шу даврида - минус 682 киши) тенг бўлди.


Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 190), Когон шаҳри (минус 131), Ғиждувон (минус 320) ва Қорақўл (минус 117) туманларида кузатилди.

2019 йил январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

(ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2019 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)



Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 3632 та никоҳлар ва 499 та ажралишлар рўйхатга олинган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 7,8 та никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 7,3 та) ва 1,1 та ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида 0,9 та) тўғри келади.


Тузилган никоҳлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)

(бирлик)



1) Дастлабки маълумот

Никоҳ ва ажримлар сони*(январь-март)**(бирликда)*

	<i>Никоҳлар</i>		<i>Ажримлар</i>	
	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>
Жами вилоят бўйича	3387	3632	438	499
Бухоро ш.	461	520	133	154
Когон ш.	104	101	23	26
<i>туманлар:</i>				
Олот	173	162	14	16
Бухоро	259	342	39	34
Вобкент	238	263	25	23
Ғиждувон	442	464	65	63
Когон	147	151	22	25
Қорақўл	322	343	12	32
Қоровулбозор	26	24	4	4
Пешкў	263	263	17	16
Ромитан	276	313	24	37
Жондор	412	390	33	36
Шофиркон	264	296	27	33